

Баҳорнинг шрти

Шамол елиб,
Кукла келиб,
Менга баҳор сўзлар эди:
— Агар яхши бола бўлсанг,
Кўрсатгинчи менга энди
Химматингни,
Хурматингни,
Дедим шундай:
— Сени мақтай,
Кўнглимда янграётгани,
Баҳор айтар:
— Ундан кейин!
Дедим шундай,
Калбида тошиб:
— Ундан кейин кучоғингда,
Кенг боғингда
Уйнаб-ўйнаб гуллар терай,
Устозларга элтиб берай.
Ундан ҳам,
Сўзимдан ҳам
Баҳор кўнгли тўлмагандай,
Мендан мамнун бўлмагандай,
Тақор-тақор
Сўраб баҳор,
Баҳор шартин,
Юрак дардин
Уйлаб қолдим.
Сўнг эсимни йиғиб олдим:
— Сенга атай
Кўчат экмай,
Кучоғингда ишлаб-ишлаб
Нихолларни парваришлаб,
Хурматингни,
Химматингни
Кўрсатгинчи,
Сўзим тайин,
— Деса бирдан баҳор кўлди,
Жавобимдан мамнун бўлди.

Доскага чикса агар...

Битта бола доскага —
Чикса ўзин йўқотар.
Назарда хар бола
Кўзи билан ўқ отар.
Рағги учиб бир зумда
Юраги «шув» этади,
Хаббинг каптари
Учиб гув-гув этади,
Билганларни эсимга
Келмас бирор мартаба,
Бари эди ёнда
Учирганида партада,
Учиргани эгилмас,
Меҳрибон ва мулозим,
Ташутирар ахшилаб
Ўз дарсини хар доим,
Каролмайди айниқса
Болаларнинг кўзига.
Аmmo ўша боланинг
Ўзи харон ўзига,
Юриб-юриб охири
Битта тадбир ўйлади,
Дарс тугагач, доскада —
Ўз-ўзига сўйлади,
Тақорлади бу холин,
Хамма бор деб ҳис этди,
Бўшагиники,
Кўрүвени
Ахри у йиқитди,
Энди чикса доскага
Булбулин лол қолдиран,
На уни тер босади,
На бирор бор қалтиран,
Ўзи хурсанд ўзидан,
Бўшагини тутқундан,
Учитувчиси мамнун,
Дўстлари ҳам шод ундан.

Кесатар — кесак отар

Бир бола бор, у ҳақда
Шевр ёзмаган бўлмайди
Лэби тиржайган чоқда
Аmmo кўзи кўпмайди,
Сўрашда холи-ахлоп
Тили сайраб — тазотар,
Ахволингизни дарҳол
Зимдан туриб кузатар,
Мектаб тўраб-да, лекин
Кўлиб-кўлиб кесатар,
Кичик боғига секин
Сўздан тош-кесак отар,
Кесатар —
Кесак отар,
Авал хайрон қилади,
Хар сўзга бор хатар,
Дилин вайрон қилади.

Ёрдамини қилар писанда...

Бир бола бор,
Анча билармон,
Ҳаммадан ҳам у сўзга чаксон,
Иш биттирар доим оғзада,
Танишларга базм-базнда —
Ёрдам бериб турди, лекин,
Ёрдамини, бўлмайди тоқин...
Ёрдамнинг ҳақини узат,
Сен ҳам бирор ахшилик кўрсат,
Сенинг учун ақлим кетди деб,
Анчагина вақт кетди деб
Дегандайин ҳақини бор санда,
Ёрдамини қилар писанда,
Ёрдамдан илқиб мактанниш,
Шу тариха обрў ахтариш,
Ёрдам эмас, таъмағиллик бу,
Одатдаги савдогарлик бу,
Айтиб қўйинг, бунақа ёрдам,
Керак эмас, дўстлар, менга ҳам.

Саҳна ортидан репортаж

Парда кўтарилди. Саҳнада ҳаётнинг гўё бир парчаси жонланади. Томошабинлар рўй бераётган воқеаларни ҳаёжонлиқ билан кузатадилар. Бу дақиқада улар саҳнадаги воқеаларнинг иштирокчиларига айланадилар, ундаги қаҳрамонлар билан бирга қувонадилар ва ташвишга тушадилар. Аммо актёрлар саҳнадаги воқеаларни худди ҳаётдагидек гавдалантириши, табиий ва жонли қилариши учун қанчалик меҳнат сарфлаганини, ҳар бир сўз ва диалогини неча бор такрорлаганини кўчилик тасаввур қилмайди. Аслида ана шу табиийлик жуда катта меҳнат тўғрисида қўйилган шартлар билан бўлади.

...Залда фақатгина бир неча киши ўтирибди. Улар спектакл режиссёри, режиссёр ассистенти ва янги саҳна асарига мутасадди кишилар. Саҳнада эса актёрлар ўзаро суҳбатлашишмоқ-

Томошабин меҳрини қозониб...

да. Ҳозир янги спектаклнинг охири репетицияси бўлади. Яна бир неча кундан сўнг бу асар томошабин эътиборига ҳавола этилиши керак. Шунинг учун бу репетиция ўзига хос сўнги имтиҳон.

Шу пайт театurning бош режиссёри Раҳмоқ Хамроев ўрнидан турди. У актёрларга юзлаб гапирга бошлади:

— Ҳаммагизга маълумки, театримиз яна бир неча йилдан кейин ўзининг 40 йиллигини ниянлайди. Бу спектаклимиз ана шу юбилейга тайёргилик босқичларидан бири. Бунда театримиз тарихи ётибди. Яна шуниси муҳими, янги спектаклга қўшиқ, рақс ва музика бир-бирини тўлдирини керак. Бунинг учун эса роля ниҳоятла маъсулият билан ёнишини лозим. Марҳамат, давом этинглар.

Режиссёр Абдурашид Раҳимовнинг овози янгради.

— Қани, ҳамма жой-жой-

инга. Спектаклнинг финалини тақорлаймиз. Назаримда, шу қисми тасвирчан чикмайпти. Ҳаракатларда узвий алоқа кўринмайпти. Музика билан тўла мутаноабликка эриша олмаймиз. Дирижёрнинг кўл ҳаракати билан ёқимли музика жаранглади. «Комедия, комедия ёхуд ҳангома» деб номланган янги спектаклнинг якуловчи қисми бошлади. Саҳнада Насриддин Афанди (СССР халқ артисти Раҳмоқ Хамроев), Тошболта (Ўзбекистон ССР халқ артисти Соҳиб Хўжаев) «Кўнгли ёш қариялар» спектаклидаги қариялар намоён бўлади. Қўнғиқ музикага рақслар уланади. Нихолат Насриддин Афанди актёрлар билан икки муваффақият тилади. Жарагондор музика салони остида спектаклда иштирок этган актёрлар саф билан саҳна олдида юриб келадилар.

— Яна бир марта тақ-

орраймиз, — дейди режиссёр. — Музикадан орда қолдирилди. Парда ёпилишидан олдин Афанди билан хайрашанга, саф билан бараварига саҳна олдида келиш лозим. Шунда парда ёпилади. Парда кўтарилганда эса, Афанди ҳам сизларга келиб қўшилиди. Қани, бошладилар. Музика, ўзаро суҳбатларни тўхтатинглар.

Спектаклнинг финал қисми бир неча бор тақорланди. Хар бир актёр алоҳида маслаҳатлар берилди. Хар бир эпизод алоҳида машқ қилинди. Нихолат, чарчатган, аммо ижодкорларига ҳис эттириш муқим бўлган мамунчиёт тугуви билан актёрлар тарқала бошладилар.

Саҳнадан чиқарилганда театр актёрларидан бири Райхон Тўраева билан учрашди. У янги спектаклда «Офтобхон» асарини ўз ичига олади. «Мовий Дунай», «Малиновгада тўй»,

барлиқ тўғрисида гапириб бекшини сўрадик.

— Янги спектаклимиз, — дейди у, — театрининг жонли тарихидир. У кўн йиллар давомида саҳналаштирилган ва эндиликда унутилган асарларни қайта жонлантиради.

Театр директори, «Комедия, комедия ёхуд хангома» спектаклининг режиссёри, Ўзбекистон ССР халқ артисти Абдурашид Раҳимов билан янги спектакл ҳақида ва умуман саҳна асарларининг тайёрлашиш жараёни тўғрисида гапириб берди.

— Янги спектаклимиз олдинги саҳна асарларига ўхшамайди, — дейди у. — Чунки, бу спектакл театримизда анча йилгари, бундан 10—20 йиллар муқаддам саҳналаштирилиб, ҳозир унутилган саҳна асарларидан олинган парчаларнинг ўз ичига олади. «Мовий Дунай», «Малиновгада тўй»,

«Аршин Мол-Олон», «Сорочинек ярмарини», «Ваялора» спектаклларидан олинган кўнвоқ саҳналар шунлар жумласидандир. Бу парчаларни бир-бирига боғлаб туринг учун Насриддин Афанди, «Тошболта ош» спектаклидаги Тошболта ва «Кўнгли ёш қариялар»даги қариялар образлари олинди. Ўзунчи Шукр Холмиров билан ҳамкорликда уни алабий жиҳатдан ишлаб чиқилди. Спектакл — бағис хос театр ишида театр. Унда дедилар барча актёрларимиз иштирок этади. Энди, спектакл тайёрлаш жараёни ҳақида икки оғиз сўз. Драматург ўз асарини бизга тақдим қилганда, актёрлар билан бирга уни ўқиб чиқамиз. Ўқиб жараёнида тугилган фикрлар асосида асар қайта қўриб чиқилади. Шундан кейин режиссёр ролларни тақсимлайди. Ролларнинг сўзлари ёли олинган, репетициялар бошланади. Асар саҳнага

олиб чиқилгача актёрлар катта меҳнат ва куч сарфлайдилар. Аббатга, спектаклнинг муваффақиятида саҳнада кўринмайдиган иштирокчилар — тримчлар, костюмчилар, режиссёрлар, радио ва монтаж ижодкорларининг хизмати ҳам катта. Айнақса, саҳна режиссёри меҳнатини алоҳида қайд этиш лозим. У асар руҳига мос, таъбирланган воқеаларни яқин таваллавлантирилади. Декорациялар яратилиши керак. Бу спектаклнинг режиссёри Ўзбекистон ССР халқ артисти Раҳмоқ Хамроев билан қўрсатган санъаткор Абдурашид Раҳимов ишлаган. Рақсларни эса балетмейстер Ш. Аҳмедов саҳналаштирган. Тез кунда спектаклнинг томошабинларга ҳавола этилади.

— Ана шу учрашувдан бундан бир ҳафтадан олдин вақт ўтди. Театр коллективининг катта меҳнати муваффақиятли якунланди. Томошабинлар янги саҳна асарини яхши кутиб олдилар. Санъаткор учун эса Томошабин оқшайдиган юксак мукофот бўй.

Н. МУҲАММАДИЕВ.



ТОШКЕНТ КИНОФЕСТИВАЛИГА

Хиндистон Тошкентда ўтказган халқаро кинофестивалига 17 мамлакатдан 25 фильм кўрсатилади. Фестивалда 50 дан ортиқ бадий ҳаваскорлик тўғрисида қолдирилган фильмларнинг режиссёри ва актёрлари қатнашди.

Д. В. Айер яратган «Сўнги қўнғиқ» фильми Кириатаналдан чиққан XVIII асрнинг машҳур оранда ва хонандаси Венкатасуббайя ҳаётини тасвирлайди. Бенигал тилида режиссёр Тарун Маумлар томонидан яратилган «Умид йетиҳоси» деган бошқа

Воқеа арафасида

СОВЕТ БАЛЕТНИНГ НАВҚИРОНЛИГИ

— Москвада 5 апрелдан 18 апрелгача балетмейстерлар ва балет артистларининг Бутуниттифоқ конкурси бўлади. СССР Маданият ва санъат вазирлиги ТАСС муҳбирга шунларни маълум қилишди:

Ҳозир Москва, Ленинград, Новосибирск, Пермь, Киев, Минск, Душанбе, Теллин, Фрунзе, Боку, Олмаота, Тбилиси, Якутск, Улан-Удэ ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларидаги музика театрларида ижодий мусобақа олдидан охириги репетициялар бормоқда. Еш артистлар ракс номларини қайта-қайта тақорламоқдалар. Хореографлар оригинал постановкалар устидида ишларини таломламоқдалар.

Рақсқослар машҳур классик балетларидан парча ва замонавий совет композиторларнинг музикаси асосида композиция, балетмейстерлар иккита замонавий номер — хореографиями реалистик аъёнларнинг ривожлантираётган янги ёки дуэт номларини кўрсатишлари керак. Уларнинг санъатига жюри Баҳо берилади. Бу жюри составига барча иттифоқдаги республикалардан кўнга кўринган моҳир санъаткорлар таълиф этилган.

Артистларнинг мусобақаси уч давралда, балетмейстерларнинг мусобақаси икки давралда ўтказилади. Улардан эш яхшилари мукофотлар билан тақдирланади ва лауреатлик унвонларига сазовор бўлади. Преварада конкурс ўтаётган Чайковский номида залда гоилбларнинг концерти бўлади.

Бу кўрик 1977 йилда Москвада ўтказиладиган балет артистлари учинчи халқаро конкурсига тайёргарликнинг якуловчи босқичи бўлади.

«РЕВИЗОР» БУХОРО САҲНАСИДА

С. Айний номидида Бухоро вилояти театри Гоголнинг машҳур «Ревизор» комедиясини саҳнага қўйди. Еш режиссёр Убайдулла Бақоев бу классик асарни саҳналаштирди. Бош ролларни Ўзбекистон ССР халқ артистлари Х. Намов билан А. Файзиёв, республикада хизмат кўрсатган артистлар Д. Собоева, М. Юсупов, шунингдек театр ин-

ститутидан ва бадий ҳаваскорлик тўғрисида келган ёш артистлар ижро этдилар. Бухоро ил газлама комбинатининг ишчилари одат бўйича янги

постановкани биринчи бўлиб томоша қилдилар. Театр коллективини билан бу корхона ўртасида қилин алоқа ўрнатилган.

(ЎзТАГ).

Конкурс голиби

Тўқимачилар маданият саройида Фрунзе район таъшиқотлари бадий ҳаваскорларнинг фестивали бўлди. Фестивалда райондаги 50 бешта таъшиқотдан 50 дан ортиқ бадий ҳаваскорлик тўғрисида қолдирилган фильмларнинг режиссёри ва актёрлари қатнашди.

ОБРАЗ—ИНСОН ДЕМАК

ҲАВАСКОРЛАР ҲИҚОЯЛАРИ ҲАҚИДА

Бадий асарда наламаш ўз даврининг муҳим муаммоларини кўтариб чиқади. Асар юксак голий савида бўлиши керак. Бу — адабиётнинг биринчи даражали талаби. Лекин ижоднинг ана бир ниҳоятда муҳим талаби бор. Ўзунчи ўз асарига жонли одамлар қиёфасини яратмоғи керак. Негаки, у инсон ҳаётини, инсон қалбини танидиқ этади. Агар асардаги қаҳрамонлар юзакни, схематик бўлса, улар ёзувчининг иродасига бўйсуниб, ҳаракат қилса, асарда хар қандай муҳим фикр ўртага ташланган бўлса ҳам, китобхон уни қабул қилмайди. Асар қаҳрамонлари сунъий бўлса, ёзувчи айتماкчи бўлган рост гап ҳам ёлгонга айлиб кетаверилади. Шунинг учун ҳам яхши асардаги қаҳрамон китобхоннинг кўз унгдаги триқ одам бўлиб гавдаланади. Янгидай ижод қилмоқчи бўлган хар бир наламаш шунга интилоғи керак. Редакциямига келадиган ҳиқоялар орасида бу боғида бирмунча муваффақиятлик чиққан наламаш бор. Б. Ёқубовнинг «Ўзда» деб номланган ҳиқояси бунга мисол бўла олади. Муаллиф ёш архитектор Искандар Азимовнинг Тошкентдан Ургенчга бориши, Ургенч аэропортидан Тўрақўйин сув омборига етиб

бар қараб қўйиб, инчиқка тилла ранг симли кўзюнагини тўғрилади, худди Темир аканиқидек кичкина кўнғиз мўйловини кўрсаткич бармоғи билан қашиди, мошаран дўпписини кўтариб қийди, томоқ кирди:

— Э, болам, келдингми Кера-я, кўрмалдим сени. Биласеними, ўқилди, лаборантларнинг пули алоҳида келарди. Сенчи хали келмади. Эртага бир хабар олсин, — деди.

Эртасига ҳам кассир худди қоғаздек харакатлар қилди. Худди қоғаздек «Келдингми болам, бу ёққа кир, деди. Сўнг ўрнидан тўндади, Меливойнинг бошини сildaи.

— Уғлим, сенга пул йўқ, умман сеннинг шаттин ҳам йўқ. Сенга пулин Темир аканг бериб туради, — деди.

Меливойнинг кўрагидан бир нарсга кўтарилиб келиб, димсоғига уриди. Кўзидан ёш оқди.

Салоҳ амаки ўзини оқлагандай гапира давом қилди.

— Уша ёқдан юбориб тургани келиб қолши керак. Аслида айтмасликка сўз берганимди, мултирар туришини кўриб чидаб туролмадим. Мени кеңир, ўғлим.

Меливой бу гапларни яхши англамасди. У кўз ёшларини арди-да, секин хонадан чиқди. Кўксидиғи қандайдир ҳаяжон ва ховурни бошига ҳаракат қиларкан: «Темир ака, Темир ака, сени ҳақ қачон унутмайман!» деб шивирларди. Шивирлаши ҳам жуда охира эди. Чунки саз эҳтиб бўлма-ди, шивирлаши ўғонкача ялашши муқим эди. Буни у сезиб тура-ди.

Икки ҳафта ўтган, кассир уни топиб келди. Меливой индамай олди. Италия қарбонавирлари ҳақида ўқиган романидагидек иккита медалга ошлатиб, бирга ўзининг суратини, иккинчига муаллимнинг суратини жойлади.

Ўзининг сурати солинганни Сўрхондарага қўнатиди. Унга худди ўша романдан олинган сўзлар битилганди. «Бу одам умир бўйи сизга ўқшавига кесамд қиларди. Сиз учун жонини берида».

Оқшом қўнган қойчо-нада қанчиси оғир кўрсиниб гапчи одам ўтирди.

— Темир ака урушда ўлиб кетди, — деди синик овозда. — Меливой фан оламдади жиндик-на хизматини, озми-қўлми обрийим бор экан, ҳаммаси ўша одам тўғрисида эмасмикин, деб ўйлаб қўлман бўлган.

Ҳиқоячининг афроиди дағи ўч қоғи шогирдлари бир чикайлиб қўйишди: «Одамнинг ўзига ҳам боғлиқ, қанчадан-қанча муруват қўрганлар ҳар нарсга бўлмай юрипти» мазмунидаги гаплар эшитилди. Булар шунчаки кўнгли кўтариш учун айтилганлиги сезган қиқоқчи егил кўл сildaи.

Минг тўққиз юз ўттиз ҳам минг тўққиз юз еттиши олтинчи йилни ҳам м кўрган бу кўнча оқшо-нада ҳушчаққак туғруу авжига чиқди.

Зоҳир АЙЛАМОВ.


ХАЛҚ АРТИСТИ

СССР халқ артисти Виргилюс Нореяканинги номини Иттифоқимиз санъат илхомандлари яхши билди. Совет опера санъатининг энг яхши вакилларида бири бўлган санъаткор чет эллардаги кўнлаб театрларда ҳам ўз маҳоратини намоён қилган.

В. Нореяка Литва ССР опера ва балет театри саҳнасида бундан йигирма йил муқаддам пайдо бўлган эди. Ушанда у консерваторияда ўқирди. Кўп ўтмай у тинловчилар эътиборини қозонди.

Ҳозирги пайтда В. Нореяка репертуарида Совет композиторлари, литва, рус ва Фарбий Европа классикларининг операларидан 35 партия бор. Ўзининг ижодий фаолияти давомида у 700 дан ортиқ спектаклда иштирок этди, 200 дан ортиқ концерт берди.

СУРАТДА: навбатдаги спектаклнинг муҳоамаси бормоқда. СССР халқ артисти В. Нореяка (навдан унчинчи) ўз ҳамкасблари даррасида. Т. Йебрауекас фотоси, ТАСС фотохроникаси.



КУРИНГ,
ХАВАС
ҚИЛИНГ...

БИРИНЧИЛАР ҚАТОРИДА

Яқинда Чилонзор рай-
он 3-ҳакамолон ма-
ҳалласида янги ну-
скада совет паспорт-
лари тантанали топиш-
маросими бўлиб ўтди.
Кечада биринчи ў-
тга сўзга чиққан Тошкент
шаҳар ижроия қўмитети
Ички ишлар бошқармаси
паспорт бўлими бошли-
ғи, милиция подпол-
ковниги Ҳасибулло Каю-
мов янги паспорт реж-
ими ҳақида, унинг афзал-
лиги хусусида батаф-
сил тўхтади.

Шундан сўнг, бирин-
чилар қаторида паспорт
олиш бахтига муваф-
фак бўлган 173-урта мактаб
битирувчи синф ўқувчи-
си Абдулла Азимов тўл-
қилди, дил сўзлари-
ни издор қилди.

Шаҳар паспорт бўли-
ми бошлиғи, милиция
подполковниги Х. Каю-
мов ўзбекистон ССР
халқ артисти, бастakor,
санок беш баҳорчи
қаршилаётган табарку-
р отакон Имомжон Ик-
ромов, республикада зна-
мат кўрсатган артист
Абдумуҳаммад Абдул-
мажид, маҳалладаги ободончи-
лик ишлар ташкилотчи-
си Тулган ота Ҳолму-
хамедов, қахрамон она
Турсун Абдураҳмонова,
Улуғ Ватан урушида ё-
хилини танг қилганлар-
дан бири Шукр Муҳид-
динов, Қодир Раҳматов,
Карим Худобердиев-
ларга ҳам қарсақлар ос-
тада паспорт топира-
ди.

Фрунзе район Совети
депутати ўртоқ А. Аб-
дурахмонов сўз олиб,
маҳалла комитети
мухторларининг ўтган
1975 йилида стравож-
ани ва молда орган-
ларига яқиндан ёрдам
берганини, ободончи-
лик, маданият-ишчи-
лик хизматларида ях-
ши натижаларга эриш-
ганиларни учун Тош-
кент шаҳар ижроия қў-
митетининг Фахрий эр-
лиги билан мукофот-
ланганини билдириб, ке-
ча иштирокчиларини
қизгин кутлайди. Маро-
сим охирида 5-маданий
уй банди хаваслари
концерт берди.

Р. ЛУТФУЛЛАЕВ,
ўқитувчи.

АГАР СОҚОЛНИ ОЛДИРМАСАНГИЗ...

Бир япон саргароши
эркак одам 40 йил мо-
байида ўртача ҳисоб-
лаганда соқол олиш
учун 3350 соат, ёки
140 кун сарфлашини
ҳисоблаб чиқди. Агар
у умуман соқолни ол-
маса, 55 ёшга бориб
унинг соқоли узунлиги
8,4 метрга борад экан.

СПОРТ



Олимпиадага йўлланма олиш мақсадида

Тошкентлик баскетбол
ишчибозлари олий лига
аваллар командири ў-
тасидаги 43-СССР бас-
кетбол чемпионатини
эур қизиқиши билан ку-
зати бормоқдалар.
«Ешлик» спорт арена-
сида ўтаётган якуловчи
бу турнирни мамлакат
терма командаси мураб-
бийлари ҳам синчковлик
билан ўрганишмоқда.
Чуни, бу турнир ёзи
олимпиада уйинларида
қатнашиш учун ном-
зодлар танлашда муҳим
босқич ҳисобланади.

Урачувлар нихосига
етган сари майдонда
спорт жанти тобора қи-
зиб бормоқда. Кишинёв-
нинг «Инждорстрой» ва

Ташкентнинг ФИСК ко-
мандалари ўртасида бў-
либ ўтган уч-
рашуви н э с л а ш
ўринларида. Студентлар-
мики фақатгина ўйинни
иккинчи таймдагина уч-
рашуда бурлиш яса-
га муваффақ бўдилар.

Бу учрашуви шунинг
учун ҳам масъулият
эдики, чуни у тошкент-
лик баскетболчиларни
олий лигада қилиш-қол-
маслигини белгилаб ба-
рарди. Командамиз ба-
залари учун иккинчи
кунги учрашувлар му-
ваффақият бўлмади.
Бу сафар улар ленин-
градликлар билан куч
синашган эдилар. Ҳисоб
49:73 натижа билан ме-
монлар фойдасига ҳал
бўлди.

Мамлакатимиз спорт
журналилари газета ва
журналлар редакция-
лари авваллар ўртасида
баскетбол чемпионатининг энг ях-
ши қатнашчиларига сов-
ринлар таъсис этишган.
Жумладан, «Чемпион-
нинг энг сермахсул



Мардлик — мангулик

ОСВЕНЦИМ ХАЛОСКОРИ

Икки сымлар билан
ўралган. Унга яқин-
лашган одам куйиб
қол бўлиши мумкин
эди. Ораси яқин қи-
либ қурилган қурил-
ма миноралари ҳам
тиқилди сымлар ор-
тидан кўзга чалиниб ту-
рарди.

Кечаси 60-армия
оператив бўлимининг
бошлиғи полковник
(кейинроқ генерал
майор) Пушишев Стар-
ший лейтенант А. Зо-
кировни ҳузурига —
дивизия командири
пунктига чақириб, ҳа-
лери артиллерия до-
ларини ишарисига
подстанцияни ўзга ту-
тиб, электр токи ю-
рилган сымни ю-
ларини хавфсизлашти-
ришини, кейин артил-
лерия ўти орқага оли-
ниб, душман чекма-
нини, шу пайт иштурчи
группа ҳужумга ўтиб,
лагерга биринчи бў-
либ ёриб кириши бў-
лимлигини буюрди. Бу
вақтда 251-штурчи
группада 13 та ку-
чайрилган взвод бў-
либ, 800 дан орт-
қинчи бўлиб бор эди.

27 январь саҳарда
катошалар ўти душ-
ман ортига олиниши
ҳамоноқ қилиб аскар-
лар тўп ўқлари ва
бомбардиримизни
қанда дабталаси чи-
ққан лагер дарвоза-
сидан ҳужумга ўтиб
киришари ирилди.
Немислар ўзларини
қўлга олган пайтда,
группа жангчилари
лагернинг асосий қи-
смида эрикан ва ме-
дёллар лагерига жанг
олиб борарди. Тушга

булардан иборат бў-
либ, эрлар, аёллар, бе-
морлар лагеридан ибор-
ат экан. Беморлар
лагерида турли мил-
латга мансуб 364 на-
фар рангалар заъфа-
рон, жорламайдиган
ҳолгага келган бемор-
ларга дуч келди. Фа-
шистлар чекма-
нидан шовиб қилиб,
уларни отишга улу-
ришолмади. Бемор-
ларга дарҳол тез ёр-
дам уюштириб, ке-
йин госпиталга жу-
натди.

Ушми лагерига ки-
риверишда 40 нафар
қизил аскарнинг жа-
сади ётарди. Немис-
лар уларни бир кун
аввал Краков томон-
дан ҳайдаб келишган,
чекма-
нидан олдидан
аламзадалик билан
отиб ташлаган экан.
Биз биродарларимиз-
нинг жасадларини
олиб бориб, Освен-
цим шаҳри марказий
майдонидан биродар-
лик қабристонига
дафн қилдик.

Эртаси кунги яна
лагерни кўздан кечи-
рдик. Ушми лагерига
қўнғайиб кремато-
рий печлари қурил-

ганда бери нечаси-ю-
қундузи бетиним ил-
лаб, уларда фиқат
одам ёрилган экан.
Лагерда ташқаридан
худди ҳаммомни эс-
латадиган, ярни ерга
ботган узундан-узун
бино ҳам бор. Бу би-
нога газ камералари
жойлашган. Фашист-
лар миллионлаб киши-
ларни тузаламайдиган
«бемор»лар ниқоби
остиди шу бино ичи-
даги газ камералари-
да бўлиб ўлдириб, ке-
йин крематорий печ-
ларида ёқиб юбориш-
ганди.

Газ камералари
жойлашган бинодан
хил ўтгандик. — деб
ҳикоясини давом эт-
тирди Абдуқодир ана,
— ялангидики худди
саринидай тахлаб
ёниб юборилган, ҳа-
мон тутаб ётган ту-
тқи мурдаларга қў-
нми тушди. Санис-
трукторнинг айтишича,
фашистлар лагерда
яхудийларнинг қанда
махуси «зондроман-
да» тузган экан. Ла-
герга элинолда одам
келтириб, мана шу
команда улар ораси-
дан яхудиюрини те-
ниб олиб, уст-босини
еинитиришкан. Кейин
эўгри ўлим лагерига
олиб бориб, қўл-оё-
ғини боғларкан, худди
саринидай тахлаб,
устидан ўтин қалаб,
қора мой қуйиб, ёқиб
юбораркан.

Ушми лагерининг
охирини худди картошка
ўраларида ўхшаш со-
нис-саноксиз зуу-
лаузи» ўралардан ибор-
ат эди. Бу ўралар-
гина уйдирма ишлат-
дилар.

Энди билетларда
«Севги мамлакатидан
— бахтга» деган ёзув-
лар қайд этилган
эди. Шундан кейин
дег йўловчиларнинг
миқдори ҳам кескин

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

ТЕАТР

ХАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДЯВ-
ЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ-
да 16-март да Ой тутган
тунда, 17-март да Курмайин
босдим тинотини, 18-март да Абу Рай-
хон Бериуни, 19-март да Кун
ошири ортидаги аёл, 20-март да
Комиссия.

КИНО

16 МАРТДА
Саҳро ва чангалзорларда —
«ТАНКА» (10.30, 13.15, 16.00,
18.45, 21.45), «КОЗОГИСТОН»
(11.00, 15.00, 18.00, 21.00), «ВОС-
ТОК» (10.00, 13.00, 16.00, 18.30,
21.45), «ДРУЖБА» (11.00, 12.00,
14.00, 15.00, 17.00, 18.00, 20.00),
«ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50
ЙИЛЛИГИ» (12.00, 15.00, 18.00,
21.00), «НУКУС» (11.00, 14.00,
17.00, 20.00), ХАМЗА номли
(11.00, 14.00, 17.00, 20.00).
Она табассуми — «ЎЗБЕКИ-
СТОН» (куфт соатларда), «ДРУЖ-
БА» (21.00), «ЎЗБЕКИСТОН 25
ЙИЛЛИГИ» (11.30, 15.30, 19.30).
Қисқа муддатли отпусна —
«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ»
(куфт соатларда), ХАМЗА номли
(11.00, 12.30, 14.00, 15.00, 17.00,
18.30, 20.00), «МОСКВА» (10.00,
12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 19.30,
21.00).
Манкеннинг олтинлари —
САНЪАТ САРОИИ (қуцуза ва
кечуруни).
Ончулинка қарши манкорли-
«КОЗОГИСТОН» (12.00, 13.00,
17.00, 18.00, 20.00).
Рам ва Шам — НАВОИИ
номли (қуцуза ва кечуруни).
Бобби — «ЎЗБЕКИСТОН 25
ЙИЛЛИГИ» (13.00, 17.00, 21.00).
Сентябрь бошларига — «МИР»
(тоқ соатларда).
Дунё — Г. ГУЛОМ номли
(11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

17 МАРТДА
Саҳро ва чангалзорларда —
«ТАНКА» (10.30, 13.15, 16.00,
18.45, 21.45), «КОЗОГИСТОН»
(11.00, 15.00, 18.00, 21.00), «ВОС-
ТОК» (10.00, 13.00, 16.00, 18.30,
21.45), «ДРУЖБА» (11.00, 12.00,
14.00, 15.00, 17.00, 18.00, 20.00),
«ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50
ЙИЛЛИГИ» (12.00, 15.00, 18.00,
21.00), «НУКУС» (11.00, 14.00,
17.00, 20.00), ХАМЗА номли
(11.00, 14.00, 17.00, 20.00).
Она табассуми — «ЎЗБЕКИ-
СТОН» (куфт соатларда), «ДРУЖ-
БА» (21.00), «ЎЗБЕКИСТОН 25
ЙИЛЛИГИ» (11.30, 15.30, 19.30).
Қисқа муддатли отпусна —
«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ»
(куфт соатларда), ХАМЗА номли
(11.00, 12.30, 14.00, 15.00, 17.00,
18.30, 20.00), «МОСКВА» (10.00,
12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 19.30,
21.00).
Манкеннинг олтинлари —
САНЪАТ САРОИИ (қуцуза ва
кечуруни).
Ончулинка қарши манкорли-
«КОЗОГИСТОН» (12.00, 13.00,
17.00, 18.00, 20.00).
Рам ва Шам — НАВОИИ
номли (қуцуза ва кечуруни).
Бобби — «ЎЗБЕКИСТОН 25
ЙИЛЛИГИ» (13.00, 17.00, 21.00).
Сентябрь бошларига — «МИР»
(тоқ соатларда).
Дунё — Г. ГУЛОМ номли
(11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

Қушлардаги водопровод қу-
дуқлари қопқопларини очиб
ва ичига тушири «Водонанал»
трести канализация ва во-
дотровод тармоқлари вакила-
ридан бошқаларга

КАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНДИ

Водопровод ва канализация
қудуқлари ичига заҳарли газ
бўлиб, у инсон ҳаёти учун
хавфлидир.

ТЕЛЕВИЗОР ЭЪРНАИДА

15 МАРТ — ДУШАНБА
Биринчи программа. Тошкент
курсади. 18.15 Кўрсатувлар
программаси. Рус тилида: 18.20
«Солбон». Болалар учун мулт-
фильм. 18.25 Совет Армияси
жангчилари учун «Ватан до-
норлари — ҳаётга». «Қиш-
корлар» 18.45 «КПСС XXV съезди
лоқ ҳаёти» программаси. 19.15
«Ахборот» информатсион про-
граммаси. Москва курсати. 19.30
Социалистик мусобақа қу-
ндалиги. Тошкент курсати. 19.35
Узбек тилида: 20.15 Ҳўрсатувлар
композиторлари VII съезди олд-
ларини янги асарлари». 21.00
«Ахборот» информатсион про-
граммаси. 21.30 Шершар мў-
ҳлисари. 21.30 «Тасвирларда
ҳаёт яилоси». Москва курсати. 22.00
«Вақт» информатсион програм-
маси. 22.30 Хокней бўйича
СССР чемпиони. «Спар-
так» (М) — «Торпедо» (Горький).
В. И. Ленин номи Марказий
стадион Спорт саройидан олиб
қўрилади. Танаффус пайтида
— Киноочерклар ва янгиликлар.
00.45 Кўрсатувлар программаси.

Иккинчи программа. Тошкент
курсади. 18.15 Ҳўрсатувлар
программаси. Рус тилида: 18.30
«Бу-
ратини кўрсатмаси». 19.00 Инги-
литлар. 19.15 «Биз ўйнаб, қўшиқ
айтамыз». Тошкент курсати. 19.30
«Ўзбекистон» студия-
син телевизион хужжатли филь-
млари программаси. «Ташдаи ка-
маллик», «Арийй тош», «Эўгри
наполлари» (Ўзб.). Москва курсати.
20.15 Бутиунитифон ва
Халқаро конкурсларининг лауре-
ати Литва ССР халқ артисти В.
Лаурис куйлайди. 20.45 «Бир
миниройонда». Кўп сериали теле-
визион спектаклининг премье-
раси. 4-сери. Тошкент курсати.
Узбек тилида: 22.00 Ҳуж-
жатли фильмлар экрани. 22.30
«Виргина умр намлик қилади». Ва-
дийн фильм. 23.55 Кўрсатув-
лар программаси.

Учинчи программа. 18.15 дан
Душанба курсати. 18.15 дан
Биринчи программа. Москва
курсати. 10.00 Янгиликлар.
10.10 Эрталабки гимнастика

16 МАРТ — СЕШАНБА
Биринчи программа. Москва
курсати. 10.00 Янгиликлар.
10.10 Эрталабки гимнастика

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ТОШКЕНТ, ГСП, «ПРАВДА ВОСТОКА» КУЧАСИ, 26-УЙ.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриятининг Меҳнат Қизил Бай
роқ орденли босмаханаси, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26.
ИНДЕКС 64570. Шаһр В—3038.

«ТОШКЕНТ ОҚИМОНИ»
«ВЕЧЕРНИЙ ТОШКЕНТ»
— орган Ташкентского
горкома
ИП Узбекистана
и Ташкентсета

ТЕЛЕФОНЛАР комму-
гатор — 33.02.49 дан
33.02.58 гача Эълонлар
бўлими — 33.81.42.